2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

21 (623)

2008 йил 21 май

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Иштиёқи борга иш топилади
▶ Истиқлолнинг «Истиқбол»и

3 ▶ Ҳимматлининг ҳурмати бор!
▶ Санъаткор асаларига ўхшайди(ми?)!

4 ▶ Тошҳовлида хон оиласи яшаган
▶ Мардона буви мардлар ҳақида сўзларди...

Сурхондарё вилояти

ҒАЙРАТлик фермерлар ғайрати

маҳаллада "Ёшлар боғи" барпо этилишига асос бўлди

Сариосиё тумани Сўфиён қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ғайрат маҳалласидаги фермер хўжаликлари ҳомийлигида "Ёшлар боғи" барпо этилди. Боғ кўкаламзорлаштирилиб, ҳар хил турдаги анвойи гуллар, манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари экилди. Келажакда ушбу "Ёшлар боғи" маҳалла фуқароларининг асосий дам олиш масканига айланишига ишончимиз комил.

Эркин МУҚИМОВ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

ЖУМАБОЗОРнинг КЎРКАМ ГУЗАРИ

ҳадемай тўлиқ ишга тушади

Жорий йилда Олот туманидаги Жумабозор маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий маҳалла маркази қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бир неча ойдирки, туман ҳокимининг тегишли қарори билан марказ қурилиши учун ажратилган ер мадонида кенг кўламдаги ободонлаштириш ва қурилиш ишлари олиб бориляпти. Маҳалла марказида тикиш цехи, новвойхона, ошхона, савдо дўконлари, маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари, ветеринария ва банк хизматини йўлга қўйиш режалаштирилган. Айни кунгача марказ ҳудудидаги қаровсиз ётган бинолар таъмирланиб, текув цехи, ветеринария, банк хизмати шохобчалари ва бир нечта савдо дўконлари ишга тушди.

Марказ биноси қурилиши учун сарф этилиши мўлжалланган 5 миллион 300 минг сўмдан ортиқ маблағнинг асосий қисми ҳомийлар ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, жумабозорлик мулкдор Роза Ҳамроева тикув цехи ва савдо дўконларидан бирининг қурилишида ҳомийлик қилди.

— Маҳалламиз туман марказидан 12 километр узоқликда жойлашаган, — дейди йиғин оқсоқоли Олтибой Худдиев. — Маҳалла маркази иш бошлагач, аҳолига ҳар жиҳатдан қулайлик яратилишига шуҳа йўқ. Мазкур гузар тўлиқ ишга тушгач, жами бўлиб 20 та иш ўрни яратилади.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Мусобақа ғолибларига Президент совринлари топширилибди.

СУРХОНДАРЁДА УЧРАШГУНЧА ХАЙР, "БАРКАМОЛ АВЛОД"!

Нукусдаги "Турон" стадиони узра 17-20 май кунлари касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг Республика "Баркамол авлод-2008" спорт ўйинлари машъаласи порлаб турди. Ушбу мусобақалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ҳамда спортга жалб қилиш борасидаги уч поғонали ноёб тизимнинг муҳим бўғинларидан биридир.



Ёшларнинг бундай спорт анжуманлари жадал ривожланиб бораётган жамиятимиз талабларига мос бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишларини тубдан ўзгартиришга хизмат қилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий таркибий қисмига айланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёшларга нафақат жаҳон стандартлари асосида билим бериш, балки уларнинг жисмоний, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб етишиши учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Қорақалпоғистонда ўтган "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари Юртбошимиз томонидан ёш авлод тарбиясига қаратилаётган ана шундай улкан эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намоёни бўлди. Зеро, спорт навқирон авлод вакилларида юксак ирода, ғалабага интилиш, ҳалоллик, ватанпарварлик каби олижаноб фазилатларни тарбиялайди.

Бугун мамлакатимизнинг энг чекка туманларида ҳам кўплаб замонавий спорт заллари, стадион ва мажмуалар барпо этилиб, барча зарур спорт анжомлари билан жиҳозланмоқда. Уларда қишлоқлар ва маҳаллаларда яшовчи катта-кичик спорт билан шуғулланиш имконига эга. Миллат саломатлиги асоси, аҳолининг соғлом турмуш тарзи ана шу тариқа шакллланмоқда.

"Баркамол авлод — 2008" мусобақалари ўтказилиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасининг спорт инфратузилмаси янада яхшиланди. Мусобақалар олдидан 14 спорт иншооти капитал реконструкция қилиниб, таъмирланди ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолга келтирилди.

Спортнинг 12 тури – баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, кураш ва белбоғли кураш, сузиш, енгил атлетика, катта теннис, стол тенниси, бадиий гимнастика ҳамда шахмат бўйича беллашувларда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 1600 нафарга яқин лицей ва коллеж ўқувчиси иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, беллашувлар дўстона, ҳалол рақобат руҳида ўтди. Эпчил, чаққон ва кучли спортчилар ўз маҳоратини намойиш этиб, 165 олтин, кумуш ва бронза медаллар комплекти учун баҳс олиб борди.

Улар махсус тайёрланган маданий тадбирларда ҳам қатнашди. Таниқли адиблар, спортчилар, артистлар билан учрашди, турли шоуларнинг гувоҳи бўлди.

Мусобақалар нафақат Ўзбекистон спорти ҳаётида катта воқеа, балки барча жабҳаларда эришаётган ютуқлари билан Ватанимиз шарафини улуғлашга қодир ёшларимизнинг чинакам форуми, ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди. Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари, бошқа нуфузли халқаро турнирларда қўлга киритаётган зафарлари, ёш олимларимиз, ёзувчилар, санъат намояндаларининг улкан муваффақиятлари халқаро майдонда юртимиз обрў-эътиборини янада юксалтирмоқда, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни вояга етказаётган мамлакатимиз ва халқимизни бутун дунёга янада кенг танитмоқда.

Нукусдаги "Турон" стадионида "Баркамол авлод — 2008" ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

...Майдонга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган терма жамоалар чиқиб келади. Стадионга йиғилган минглаб томошабинлар мусобақалар иштирокчиларини олқишлайди. Ғолибларни тантанали тақдирлаш бошланади. Беллашувлар натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Уларга энг юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси тақдим этилди.

Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри, учинчи ўрин Фарғона вилояти ёш спортчиларига насиб этди.

Стадионга йиғилганлар "Баркамол авлод — 2008" ўйинларида ғолиб чиққан жамоаларга тақдим этиладиган Президент совринлари — "Дамас" автомобилларини гулдурос қарсаклар билан қарши олди. Уларга давлатимиз раҳбари номидан ушбу машиналар калитлари топширилди.

Мусобақаларда алоҳида маҳорат, ғалабага интилишини намоён этган жамоалар ва спортчилар ташкилотчиларнинг махсус совринлари билан тақдирланди.

"Баркамол авлод — 2008" ўйинлари байроғи туширилди. Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси байроқни коллеж ва лицейлар ўқувчиларининг келгуси мусобақасига мезбонлик қиладиган Сурхондарё вилояти вакилларига топширди. Ўйинлар машъаласи ҳам аста-секин ўчди. Бироқ у мусобақалар иштирокчилари қалбида, уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, порлаб туради, янги ва янада улкан ютуқларга чорлайди.

Тантаналар спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва таниқли ёш санъаткорлар иштирокидаги концерт билан якунланди. Тантана иштирокчиларининг спорт маҳорати, ранг-баранг либослари, жўшқин ашула ва рақслари ёшларимизнинг серқирра истеъдодини намойиш этди, халқимиз ҳамжиҳатлиги, давлатимиз қудратининг рамзига айланди. Зеро, Ватанимизнинг эртанги куни ана шундай жасур, иродали, ҳар томонлама билимли ёшларга боғлиқдир.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниёзов иштирок этди.

Анна ИВАНОВА,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) **олган суратлар.**

Ислоҳотлар самараси

ДАСТЛАБКИ МИЛЛИАРД КУБ МЕТР ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИНДИ

"ЛУКОЙЛ Ўзбекистон оперейтинг" операция компанияси Ховузак конидан дастлабки бир миллиард куб метр газни қазиб олди.

Режалаштирилган 23 газ қазиб олувчи қудуқнинг 15 тасини босқичма-босқич ишга тушириш қазиб олиш ҳажмини ошириш имконини берди. Яқинда 16-қудуқ фойдаланишга топширилди, яна учта қудуқда бурғилаш ишлари давом этмоқда.

"Лукойл Ўзбекистон оперейтинг" операция компаниясининг газни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўлими раҳбари Валерий Дрониннинг таъкидлашича, юқори касбий тайёргарликка эга соҳа мутахассислари фаолияти яхши йўлга қўйилгани Ховузақдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. 2007 йилнинг ноябрида ушбу газ қазиб олувчи мажмуа ишга туширилгач, ўртача газ қазиб олиш ҳажми 4 баробар ошди ва қарийб 200 миллион куб метрга етди. Коннинг лойиҳа қуввати йилига 3 миллиард куб метрни ташкил этади. Бу кўрсаткичга жорий йилдаёқ эришиш мўлжалланмоқда.

Ховузакка яқин Шоди участкасида эса дастлабки баҳолаш қудуғи ўрнатилди. "Лукойл Ўзбекистон оперейтинг"операция компанияси бурғилаш ишлари буюртмачиси, Чехиянинг Eriell сервис компанияси эса пудратчи ҳисобланади. Чехия компанияси Ховузак-Шоди конида жами учта қудуқни бурғиламоқда.

Сўнгги йилларда Россиянинг йирик "Лукойл" компанияси Ўзбекистон бозорида фаол иш олиб бораётир. Тошкентда Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим шартлари асосида Қандим-Ховузак-Шоди-Кўнғирот мегалойиҳасини бошқариш бўйича "Лукойл Ўзбекистон оперейтинг" операция компанияси ташкил этилди. Инвестициялар миқдори икки миллиард АҚШ долларидан ортади. Лойиҳани "Лукойл оверсиз Ўзбекистон ЛТД" шўъба компанияси ва "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси таркибидаги инвесторлар консорциуми амалга оширмоқда.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

"ЭАУСС ЯККАБОҒТЕКС"нинг ЯНГИ ИСТИҚБОЛИ

"ЭАУСС Яккабоғтекс" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси чет элга экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини йил сайин оширмоқда. Бунга хориждан энг замонавий технологияларни олиб келиб ўрнатиш эвазига эришилаётир.

Жорий йилда Германиянинг "Truschelet" ҳамда "Textima" компанияларидан харид қилинган асбоб-ускуналар ип-калава ишлаб чиқариш қувватини 3,5 минг тоннага етказиш имконини берди. Корхона иш бошлаган дастлабки йили бу кўрсаткич 2,5 минг тоннага тенг эди. Корхона фаолиятини босқичма-босқич кенгайтириш натижасида ишлаб чиқариш қуввати 40 фоизга ошиб, улардан фойдаланиш коэффиценти 100 фоизга етди.

Қўшма корхона кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти тоифасига кирса-да, тумандаги энг йирик саноат объектларидан бири ҳисобланади. Жамоа аъзоларининг 90 фоизини ёшлар ташкил этади. Ўтган йили салкам 5,1 миллиард сўмлик маҳсулот, жумладан 2761 тонна ип-калава ҳамда 289 тонна прима момиғи ишлаб чиқарилди. Бутун жаҳонда бозори чаққон бу маҳсулотлар асосан хориж мамлакатларига сотилгани боис экспорт кўрсаткичи ҳам жуда юқори даражагача кўтарилиб, 4 миллион 132,7 минг АҚШ долларини ташкил этди.

— Йилнинг охиригача Европа компанияларидан яна 4 та йигирув машинаси харид қиламиз, — дейди қўшма корхона бош мутахассиси Ўктам Зоҳидов. — Уларнинг барчаси келгуси йилдаёқ ишга туширилиб маҳсулот бера бошлайди. Қатъий режага кўра 2010 йилгача корхонамиз негизида нафақат ип-калава, балки трикотаж мато ҳам ишлаб чиқариш, шунингдек, матога ранг ва безак беришга ихтисослашган тўқимачилик мажмуасини ишга туширишни мўлжаллаганмиз.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

2008 йил – Ёшлар йили

МАВСУМ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

Пойтахтимизда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш оромгоҳлари ташкилотчиларининг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда тегишли вазирлик, идора ва муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари марказий кенгашларининг ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов, Халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев ва бошқалар юртимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол шахс бўлиб вояга етиши, пухта ва мукаммал таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидладилар. Бу жиҳатлар умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Таъкидланганидек, ўтган ёз мавсумида болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш мақсадида тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамжиҳатликда олиб борган ишлари натижасида республикамиз бўйича жами 762 оромгоҳда қарийб 230 минг нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди.

Йўлланмаларнинг 35 мингтадан зиёди кам таъминланган, серфарзанд, ёлғиз оилалар фарзандларига бепул ажратилди. Умумий соғломлаштирилган болаларнинг саккиз минг нафардан ортиғи Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини ташкил этди. Шу билан бирга, Оролбўйи минтақаси – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан уч минг нафардан ортиқ бола пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг сўлим оромгоҳларида бепул соғломлаштирилди.

Семинарда Ёшлар йилида ўқувчиларнинг ёзги дам олдириш мавсумига юқори савияда тайёргарлик кўрилаётгани қайд этилди. Бу йил 804 оромгоҳда 245 минг нафар болани соғломлаштириш кўзда тутилган. Айни пайтда кам таъминланган, серфарзанд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини янада кўпроқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларнинг икки минг нафардан ортиқ, Оролбўйи минтақасидан уч минг нафардан ортиқ ўғил-қиз бепул ҳордиқ чиқаради.

Оромгоҳлардаги маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни юксак савияда ташкил этиш режалаштирилмоқда. Дам олиш масканларига алоқа, электр энергияси, газ, сув, коммунал ва автотранспорт хизматларидан фойдаланиш учун имтиёзлар яратиш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот, зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ёз мавсумида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда Қашқадарё, Тошкент, Фарғона вилоятларида ёзги ўқув оромгоҳларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Семинар-кенгашда ёзги соғломлаштириш мавсумини ўтказиш борасида касаба уюшмалари ташкилотлари олдида турган вазифалар, оромгоҳларни педагогик кадрлар билан таъминлаш ва ёзги соғломлаштириш мавсумида тарбиявий ишларни ташкил этиш мавзуларида маърузалар тингланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона – 236-53-93
Тел/Факс: – 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Тошкент шаҳри

Бандлик муаммоси ечими

ТОҲИРнинг ЙЎЛЛАНМАСИ

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли туман бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий "Бўш иш ўринлари" ярмаркалари ёшларни иш билан таъминлашда тоборо муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур бошқармадан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида йигирмадан ортиқ меҳнат ярмаркаси ўтказилган. Уларда ўнлаб корхона ва ташкилотлар ўзининг мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ушбу ярмаркаларда ишга йўлланма олган қарийб 1700 нафар фуқаронинг 750 нафардан кўпроғи ёшлардир.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида бўлиб ўтган ана шундай меҳнат ярмаркасида 64 нафар йигит-қиз ишга кириш учун йўлланма олди. Тоҳир Сафаров – улардан бири. У ярмарка йўлланмасига биноан пойтахтимиздаги Қуюв механика заводига ишга жойлашди.

Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

Йиғинда ёшлар ҳаёти

ҲАР БИР ЁШГА БИР ҲУНАР

Бугунги кунда ёш авлодни камол топтиришда нафақат таълим-тарбия масканларининг, балки ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам муносиб хизмати ва ҳиссаси бор. Айниқса, жорий Ёшлар йилида маҳалла тизими ходимлари зиммасидаги вазифалар кўлами янада ортди. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самарасини эса фуқаролар йиғинлари фаолиятида яққол кузатиш мумкин. Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Ўрикзор маҳалласида ҳам ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар эътирофга лойиқ.

Хусусан, ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини қошида ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилган. Айни пайтда ушбу марказда маҳалла хотин-қизлари тикиш-бичиш, бисер тикиш ва зардўзлик сир-асрорларини ўрганишмоқда. Шунингдек, бу ерда чевар қизлар томонидан тикилаётган тўй либослари, турли байрам тадбирларига мўлжалланган кийимлар ва бошқа буюмлар ижарага берилиб, ундан тушган даромад маҳалланинг хайрли ишларига сарфланяпти. Энг аҳамиятлиси, марказда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул ўқитилиб, турмушга чиқаётган қизларга эса тўй ва бошқа либослар ёрдам тариқасида бепул берилади. Бундан ташқари, йиғин ҳудудида жойлашган "Қўшимча таълим маркази"да ҳам маҳалла ёшлари учун пазандалик ва ёғоч ўймакорлиги каби кўплаб ҳунармандчилик тўгараклари ташкил этилган. Яна бир қизиқ жиҳати, болаларга касб-ҳунар ўргатишда маҳалла мутасаддиларининг ҳам ҳиссаси бор. Маҳалла посбонлари сардори Усмон Қувондиқов пойабзал тузатувчи уста. Маҳалланинг кўпчилик ёшлари бўш вақтларида унинг атрофида жам бўлиб, пойабзал тузатиш ҳунарини ўрганишади. Хуллас, маҳалладаги ҳар бир ёш ўз қизиқишига қараб фойдали машғулотга жалб этилган.

— Маҳалламизда кам таъминланган оилалалар фарзандларининг бекаму кўст билим олишлари учун шароит яратишга ҳаракат қиламиз, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мунира Усмонова. — Яқинда Доно исмли қизимиз парда тикиш курсида бепул ўқиб келди. Уни иш билан таъминлаш мақсадида ҳомий ташкилотлар кўмагида замонавий тикув машинасини олиб бердик. Бундан ташқари, яна бир кам таъминланган оила фарзанди ҳамда бир нечта ногирон болаларнинг оналарига ҳам худди шундай машиналар совға қилинди. Мақсадимиз бу йўл билан хотин-қизларимизга уй шароитида ишлаш ва даромад топиш имкониятини яратиб, касаначиликни ривожлантиришдан иборат.

Ўрикзор маҳалласида "мактаб — маҳалла — оила" ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ҳудуддаги 173-мактаб ўқувчилари маҳалладаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳам фаол иштирок этишмоқда. Бу борада мактаб қошидаги "Атрофмуҳит ва соғлом ҳаёт" жамоатчилик марказининг фаолиятини эътироф этиш жоиз. Мазкур марказга аъзо бўлган ёшлар "Маҳалла шароитини яхшилашда ёшларнинг фаоллигини ошириш" лойиҳасини ишлаб чиқиб, унинг доирасида Ўрикзор маҳалласидаги мавжуд муаммоларни ўрганиб чиқишди. Кейин маҳалла оқсоқоли Ноилбек Илҳомов бошчилигида бу муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилишди. Яъни, ўқувчиларнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида 1 ва 3-сонли кўпқаватли уйларнинг ҳовлисида болалар ўйингоҳи барпо этилди. Айни пайтда эса ёшлар янги ижтимоий лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда.

Мана, тез кунларда ўқувчиларнинг ёзги таътил даври ҳам бошланади. Ўрикзор маҳалласида таътилни мазмунли ташкил этиш борасида ҳам аниқ режа асосида иш олиб борилади. Болаларнинг аксарияти ўзлари истаган оромгоҳларга кетишади. Қолганлари эса мактаб қошида ташкил этиладиган оромгоҳда дам олишади ёки посбонлар сардори Усмон ака бошчилигида тумандаги "Қушбеги" спорт мажмуаси ва 319-мактабга бориб, сузиш, гимнастика ва яна бошқа спорт турлари билан шуғулланишади. Дам олиш кунлари маҳалла ҳудудидаги спорт майдончаларида футбол, стол тенниси, баскетбол бўйича мусобақалар ўтказилади.

Наргис БЕРДИБОЕВА, "Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

Ғиждувон туманидаги Зарангари қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида 22 та қишлоқ мавжуд. Йиғин ҳудудида истиқомат қилувчи 16800 нафар аҳолининг аксариятини ёшлар ташкил қилади.

ИШТИЁҚИ БОРГА ИШ ТОПИЛАДИ,

— дейди зарангарилик ишбилармон кишилар

Шу боис Зарангарида ёшлар ўртасида ишсизлик муаммосини бартараф этиш борасида йиғин мутасаддилари томонидан ибратли ишлар амалга оширияпти.

— Ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида ҳар йили алоҳида тадбирлар режасини ишлаб чиқамиз, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Ўроқов. — Бу борада асосан маҳаллий ҳунарманд ва тадбиркорлар бизга яқиндан кўмак беришяпти.

Бугунги кунда Зарангарида юздан ортиқ киши ҳунармандчилик билан шуғулланади. Уларнинг қўлида сайқал топаётган миллий ўймакорлик ва замонавий усулда тайёрланган эшик, ромлар аллақачон вилоятнинг турли чеккаларидаги аҳоли хонадонларига етиб борган. Ҳатто, қўшни Навоий вилоятида ҳам бу маҳсулотлар ўз харидорларига эга. Бундан ташқари, йиғинда фаолият кўрсатаётган 60 та фермер хўжалиги, 20 та автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, 10 дан ортиқ ошхона, савдо дўконлари, тикувчилик цехлари ва бошқа маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари мавжуд. Айни пайтда маҳалланинг минг нафарга яқин ёшлари ана шу тадбиркорлик субъектларида касб-ҳунар ўрганишмоқда. Энг аҳамиятлиси, улар ҳунар ўрганиш билан бирга, маош олиб, ўз оилаларига даромад ҳам келтиришяпти.

— Фаолиятим давомида 100 нафардан ортиқ шогирдлар тайёрладим, — дейди ҳудуддаги «Йўлдошбобо» номли хусусий фирма раҳбари Ҳабиб Йўлдошев. — Маҳалла ёшларини иш билан таъминлаш биз ҳунармандларга ҳам, уларга ҳам ҳар томонлама қулай ва фойдали. Шогирдларимнинг аксарияти бугун уста сифатида алоҳида фаолият кўрсатишяпти.

Ҳамроз АЛИ, «Mahalla» мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги туғруқхона мажмуида тўққизта бўлим мавжуд бўлиб, бу ерда 520 нафар тиббиёт ходими фаолият юритмоқда. Шифокорларнинг 50 нафари олий тоифали мутахассислардир. Шифохонада ёш оналар мактаби ташкил этилган. Ҳозирги кунда шифохона янги, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бу жиҳозлар ёрдамида оғриқсизлантириш, аниқ ташхис қўйиш ва бошқа тиббий муолажалар сифатли амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: *Қарши туманидаги Мустақиллик қўрғонида яшовчи Зулайҳо Қурбоновага Ҳасан ва Зуҳра-эгизак фарзандларини парвариш қилишда ҳамшира Гулнора Сиддиқова кўмаклашмоқда.*

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) **олган сурат.**

Фаолият эътирофи

Андижон вилояти

"ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ"

Иродахон Мамадалиеванинг "Йил ўқитувчиси — 2008" кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб бўлганлиги ҳақидаги хушхабарни эшитиб, Қорасув шаҳридаги ҳамкасблари, устозлари, шогирдлари уни табриклагани ошиқишди.

— Мен Иродахоннинг илк устозларидан бири эканлигимдан фахрланаман, — дейди Қорасув шаҳри халқ таълими бўлими назоратчиси Шукурилло Ҳабибуллаев. — Унга мактабда ўқиб юрган чоғида дарс берганман. Кейинчалик Андижон давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битириб, мактабга ишга келганида ҳам кўп маслаҳатлар берганман. Иродахон табиатан тиришқоқ, изланувчан, доимо олдинга интилиб яшаш ва ишлашга ҳаракат қиладиган инсонлар сирасидан. У йигирма йилдан ортиқ вақт давомида ёшларга сабоқ бериб келар экан, машғулотлари чоғида таълим соҳасидаги энг замонавий усулларни қўллаб, ёш авлодни камол топтиришга ҳаракат қилади.

Маълумки, Ёшлар йилида халқ таълими ходимлари зиммасига ҳам улкан вазифалар юклатилган. Шунинг учун ҳам Иродахон дарсларнинг самарадорлигини ошириш билан бир вақтда, ташкилий ишларни ҳам яхши йўлга қўйган. У фаолият юритаётган 19-ихтисослашган мактаб-интернатда мунтазам равишда турли тадбирлар, баҳс-мунозаралар, адабий кечалар, учрашувлар ўтказилади. Уларни ўтказишга Иродахон ўзгача меҳр ва иштиёқ билан тайёрланади. Шу боис унинг иш тажрибаси шаҳар ва Қўрғонтепа тумани мактабларидаги ҳамкасблари томонидан қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Мактаб-интернат директори Озодахон Холиқова Иродахоннинг илғор иш усулларини эътироф этиш билан бирга, унинг оиладаги ўрни ҳақида ҳам мамнуният билан гапирди:

— Биз йигирма йилдан буён бир маҳаллада, яъни Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қиламиз. Иродахон ва унинг турмуш ўртоғи Ғайратжон Давлатовлар ўзаро аҳил ва иноқ яшашади. Қайнота-қайнонасининг иззат-ҳурматини ҳамиша жойига қўяди. Уларнинг икки нафар фарзанди ҳозирги кунда республикамиздаги олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Умуман олганда, бу оила ибратли жиҳатлари билан ҳамиша маҳалладошларга ўрнак. Иродахон эса нафақат илғор педагог, балки намунали оила бекаси ҳамдир.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

"Mahalla" хабарлари

Сирдарё вилояти

БАҲОРда ШИФО ТОПГАНЛАР

хусусий шифохона маҳалладошлар хизматида

Яқинда Сирдарё шаҳридаги Баҳор маҳалласи ҳудудида янги шифохона иш бошлади. Шифохона хусусий тадбиркор, ички касалликларни даволаш бўйича олий маълумотли мутахассис Саидқодир Жусуповнинг шахсий маблағи ҳисобидан барпо этилди.

— Хусусий шифохонанинг иш бошлагани маҳалла аҳли учун катта қулайликлар туғдирди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сапат Эмурлаев. — Бу ерда кўрсатилаётган тиббий хизматдан нафақат маҳалладошларимиз, балки шаҳримизнинг бошқа маҳаллалари аҳолиси ҳам кенг фойдаланмоқда.

— Мен бу ерда қон босими кўтарилиши дардидан халос бўлдим, — дейди Халқобод маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Али Бакрадзе оқсоқолнинг фикрини маъқуллаб. — Дастлаб келганимда оғир аҳволда эдим. Тиббий кўрикдан сўнг малакали шифокорлар муолажани бошлаб юборишди. Аллоҳга шукр, ҳозирда ўзимни анча яхши ҳис қиляпман.

— Юрагим анчадан буён безовта қиларди. Шаҳримизнинг Баҳор маҳалласида хусусий шифохона очилганини эшитиб, шу ерга келдим. Менга бу ердаги шароит, шифокору ҳамшираларнинг илиқ муомаласи, ширинсўзлиги, меҳрибонлиги маъқул тушди. Энг муҳими, даволаш ҳақи ҳам унчалик қиммат эмас, — дейди меҳнат фахрийси Олтинбек Ҳасанов.

Мазкур шифохонада яратилган шарт-шароит мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг талабига тўлиқ жавоб беради. Шифохонанинг юксак дид билан таъмирланганлиги, хоналарнинг озода, шинам ва қулайлиги, ҳовлисининг соя-салқинлиги, даволаш ва муолажалар замонавий тиббиёт жиҳозлари ёрдамида амалга оширилаётгани диққатимизни тортди.

Бу ерда хизмат қилаётган Маъмура Абдураҳмонова, Ирода Аликулова, Насиба Исроилова, Севара Тожиева сингари тиббиёт ҳамшираларининг хизматларини беморлар ҳам, шифохона раҳбари Саидқодир Жусупов ҳам алоҳида эътироф этди.

Аслида Саидқодир Жусуповнинг кўнглида хусусий шифохона очиш нияти анча аввал пайдо бўлган эди. Аввалига маблағ топиш ҳақида ўйлаб, бироз чўчиди.

Орадан бироз вақт ўтгач эса, маҳалладаги маросимлардан бирида у ўз режалари ҳақида гап очганди, кўпчилик унинг фикрини қўллаб-қувватлади. Ҳаттоки, маҳалладаги бир неча фермер ва тадбиркорлар унга ўзларининг молиявий кўмакларини ҳам таклиф қилишди. Шу тариқа маҳаллада янги хусусий шифохона иш бошлади.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

Қашқадарё вилояти

Ғузор ахборот технологиялари коллежида ўтказилган ёшлар форуми "Ёшлар — таянчимиз, ишончимиз, келажагимиз" деб номланди. Унда мазкур коллеж талабаларидан ташқари, тумандаги Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги маҳаллалар вакиллари, мактаб ўқувчилари, қўшни қишлоқларнинг ёшлари иштирок этишди.

ЁШЛАР ФОРУМИ

Вилоят ҳокими Н.Зайниев форумни очар экан, вилоятда "Ёшлар йили" Давлат дастурининг бажарилиши борасида олиб борилаётган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар кўлами янада кенгайишини алоҳида қайд этди.

Ёш спортчилар ва санъаткорлар театрлаштирилган саҳна кўринишлари ҳамда турли бадиий дастурлар орқали ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Тадбирда ёш ва кам таъминланган оилаларга "Шўртангаз — кимё" мажмуаси ҳамда бошқа ҳомий ташкилотлар, фермер хўжаликлари томонидан 70 та тикув машинаси, 100 нафар болага спорт кийимлари, 81 кишига 100 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари, 10 та оилага 1 миллион сўмдан микрокредит дафтарчаси ва ўнлаб оилаларга қорамол, майда моллар тарқатилди. 16 та ёш оилага уй-жой қуриш учун ер ажратилди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.

Хоразм вилояти

ИСТИҚЛОЛда «ИСТИҚБОЛ» БОҒИ

Бугунги кунда воҳа аҳли учун қадрли бўлган «Истиқбол» боғи мамлакатимиз мустақилликка эришган йилда барпо этилган. Бундан роппа-роса 17 йил аввал боққа экилган дарахт кўчатлари, бугун ўз мевасини бермоқда.

— Мустақиллик берган имкониятларни ҳам ушбу дарахт меваларига қиёслаш мумкин, — дейди Урганч шаҳридаги Истиқлол маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Комилжон Аррафоев. — Бу боғни барпо қилишда ҳудудимиздаги қурилиш касб-ҳунар коллежи жамоасининг ҳиссаси катта бўлган. Истиқлолимиз рамзи сифатида, қолаверса, маҳалламиз номини мазмунан тўлдириб, бойитиб турсин деган мақсадда боғга «Истиқбол» деб ном берган эдик. Бугун бу ер оромбахш масканга, сўлим гўшага айланган. Урганч касб-ҳунар коллежи жамоаси мазкур ҳудуд атрофларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, боғдаги дарахтларни парваришлашни ўз зиммасига олган.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Истиқлол маҳалласида олти минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. 1764 оила аҳил, иноқ бўлиб умргузаронлик қилмоқда. Маҳалла кўчалари ораста. Айниқса, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш юмушларининг олиб борилаётгани натижасида маҳалла гузарлари, хиёбонлар шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турибди. Ҳар йили маҳаллалар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Кимнинг гузари чиройли?», «Энг обод кўча», «Сариштали уй — фариштали уй» кўрик-танловлари маҳалланинг янада чирой очишига хизмат қилмоқда.

Абдулла САФОЕВ, «Mahalla» мухбири.

АҚШ:

ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ ГЎШТ САВДОГА ЯРОҚЛИМИ?

CNNнинг хабар беришича, Чикагонинг JSM Meat Holdings Co. компанияси аҳолининг ичак таёқчалари билан заҳарланиш хавфини туғдиргани боис савдо дўконларига тарқатилган мол гўшти маҳсулотларини қайтариб олмоқда.

АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлигининг вакили берган маълумотларга кўра, мазкур компаниянинг маҳсулотлари 11 та штатга тарқатилар экан. Бироқ қанча миқдордаги гўшт маҳсулотларининг сотувдан қайтариб олиниши ҳали маълум эмас. Ҳозирда 14 ва 30 килограммли қадоқдаги мол гўшти ва 178 литрлик бочкадаги «MORREALE MEAT» белгиси остидаги маҳсулотлар озиқ-овқат билан савдо қилувчи дўконлардан қайтарилмоқда.

ИСРОИЛ:

БОШ ВАЗИР ҚАЙТА СЎРОҚ ҚИЛИНАДИ

Коррупцияга қарши кураш доирасида олиб борилаётган тергов ишлари жараёнида Исроил бош вазири Эҳуд Ольмерт 23 май куни қайта сўроқ қилинади, дея хабар бермоқда France Presse ахборот агентлиги.

Полиция маҳкамаси вакили Мики Розенфельднинг сўзларига кўра, галдаги сўроқ бош вазирнинг Қуддус шаҳридаги қароргоҳида кундузги соат 10 да ўтказилиши кўзда тутилган.

Маълумки, Ольмерт сайловолди кампанияси учун америкалик миллиардер Моше Таланскидан катта миқдорда маблағ олиб турган. Полициячилар сўроқ давомида ўша моддий кўмак эвазига Ольмерт Таланскига қандай хизмат кўрсатганини аниқлашмоқчи. Бу жиноий ишнинг тарихи 1993 йилга, яъни Ольмерт Қуддуснинг мэри бўлган даврга бориб тақалади. Исроил бош вазири Таланскидан пул олганини тан олган, аммо шунга қарамай, у ўз хатти-ҳаракатларини пора олиш эмас, балки қонун доирасида амалга оширилган ҳамкорлик, дея таъкидламоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ольмерт 2006 йилдан буён Исроил ҳукуматини бошқариб келмоқда. Ушбу давр мобайнида унга нисбатан бешинчи маротаба жиноий иш қўзғатиляпти.

ХИТОЙ:

ТАЛОФАТ КЎЛАМИ КУНДАН-КУН ОРТМОҚДА

Reuters агентлигининг маълумотларига кўра, кетма-кет рўй берган кучли ер силкинишидан катта талофат кўрган Хитойнинг Сичуань музофоти аҳолиси мамлакат телевидениеси орқали ер силкинишлари яна такрорланиши мумкин, дея тарқатилган хабардан сўнг саросимага туша бошлашган. Бу хабардан сўнг минглаб одамлар тартибсиз равишда ўз уйларини тарк эта бошлаган.

Фуқароларнинг аксарияти хавфсиз жой топиш учун пойтахтнинг Чэнду вилоятига олиб борувчи йўлларга чиқиб олишган. Бу ҳолат туфайли мазкур йўлларда бир неча километр масофада тирбандлик юзага келган.

Хитой ҳукумати томонидан эълон қилинган сўнгги маълумотларга кўра, мамлакат ҳудудида содир бўлган зилзилалар оқибатида 34 минг нафар киши ҳаётдан кўз юмган. Бедарак йўқолган деб ҳисобланган яна бир неча минг кишининг жасадини вайроналар остидан олиб чиқиш лозим. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, Сичуань музофотида ҳалок бўлганлар сони 50 минг нафардан ортиши мумкин. 245 минг нафар киши эса турли кўринишдаги тан жароҳатлари олишган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

"Mahalla" меҳмони

Ўзбекистон халқ артисти Тўтихоним ЮСУПОВА:

„Театр санъати мени сеҳрлаган...“

Бу актриса ижросидаги ролларни халқимизнинг ёшу кексаси бирдек мириқиб томоша қилади. У "Келинлар қўзғолони"да Сотти, "Уфқ"да Жаннат хола, "Қиёмат қарз"да Зеби, "Нодирабегим"да Нодирабегим, "Афандининг беш хотини"да Жаннат, "Ревизор"да Мария Антоновна сингари образларни маромига етказиб ижро этган. Санъати орқали миллионлаб мухлислар қалбидан жой олган актрисанинг меҳнатлари эътироф этилиб, 2000 йилда давлатимизнинг "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди. Салкам эллик беш йиллик фаолияти давомида дилга яқин образлар яратиб, элга танилган актриса билан суҳбат қуйида эътиборингизга ҳавола этилади.

— Тўти опа, суҳбатимиз авваллида санъат оламига кириб келишингиз тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

— Болалигимда жуда тиришқоқ ва қаҳжон қизалоқ бўлган эканман. Тўрт-беш ёшлигимда урушга жўнаётган отам мени кўтариб, хайрлашар экан, "Онаси, бунинг зеҳни ўткир. Уни албатта ўқитгин", деган эди. Орадан салкам етмиш йил вақт ўтганига қарамай, бу гаплар ҳалиҳануз қулоқларим остида жаранглайди. Онам отамнинг васиятини ерда қолдирмаслик учун мени Самарқанд шаҳридаги Ушинский номидаги хотин-қизлар билим юртида ўқитдилар. Кунларнинг бирида шаҳар театрида қўйилаётган Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" драмаси томошасига тушдим. Шу-шу театр мени сеҳрлаб олди, спектакли қайта-қайта томоша қилганим сайин унга боғланиб борар, ҳаётимни санъатсиз тасаввур эта олмасдим. Аввал билим юрти саҳнасида, кейинроқ театрда кичик роллар ижро эта бошладим. Ўша пайтлар кўпчилик ота-оналар қизларининг санъаткор бўлишига жиддий қаршилик кўрсатишарди. Шунинг учун машҳур санъаткорлар, режиссёрлар вилоятларга бориб, истеъдодли қизларни актриса бўлишга тарғиб қилишар эди. Шундай мақсадда Самарқандга борган режиссёр Тошхўжа Хўжаев менинг ижроимни кўриб, санъат олийгоҳида ўқишни маслаҳат берганлар. Кейинроқ Самарқанд театр гуруҳи билан пойтахтга ижодий сафарга келганимизда Театр ва рассомчилик институтига ҳужжатларимни топширдим. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ётоқхонага жойлашгач, қишлоққа бордим. Онам бундан хабар топгач, йиғлади, қарғади, лекин мен танлаган йўлимдан қайтмадим. Ёшлик жасоратими ёки санъатга бўлган кучли муҳаббатми менга куч, далда берди. Орадан йиллар ўтиб, онам мени кечирди.

— Мухлисларингиз жуда кўп. Уларнинг аксарияти аёллар, десам хато бўлмаса керак. Балки бу ўзингиз яратган образлар орқали хотин-қизлар, оналарнинг дардини, туйғулари ва орзу-армонларини қалбан ҳис этиб, тушуниб ижро этганингиздандир?

— Ёшлик даврим уруш ва урушдан кейинги йилларга тўғри келган. Ўша даврларда хотин-қизларнинг ҳаёти машаққатли, энг оғир юмушлар уларнинг зиммасида эди. Онам бригадир эди. Туну кун меҳнатдан боши чиқмасди. Онам бизни ёлғиз ўстирди, ўқитди. Ўйлаб қарасам, онам бу дунёга келиб, ўзи учун яшамабди. Пешонасига шундай қисмат битилган аёллар образини яратар эканман, беихтиёр онамнинг ҳаёт йўли кўз олдимда гавдаланади, бу қаҳрамонларимнинг дардини, қалбини тушунишим учун йўл очади. Қолаверса, санъатим туфайли юрт кездим, жуда кўп мамлакатларда бўлдим. Лекин ўзбекдек бағрикенг ва меҳмондўст халқни, ўзбек аёлидек меҳнаткаш ва вафодор аёлни учратмадим. Вилоятларда, чекка туманлардаги пахта далаларида ижодий сафарларда бўлардик. Саҳнада рол ижро этаётиб, хотин-қизларнинг офтоб тиғида қорайган, меҳнатда қадоқ бўлган қўлларига тикилардим. Энди ўзингиз айтинг, қандай қилиб шу мунис ва ҳокисор чеҳраларнинг дарди билан яшамаслик мумкин? Ҳозирги кунда юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни кўриб қувонаман. Бугун хотин-қизларимиз яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳар жабҳада ўзларини кўрсатмоқдалар. Уларнинг ютуқларини кўрганда кўнглим тоғдек кўтарилади.

— Яратган образларингиз ҳаётий ва эсда қоларли. Албатта, бунинг замирида жуда катта меҳнат ва заҳмат ётади. Образ устида ишлаш жараёни сизда қандай кечади?

— Санъаткорни асаларига ўхшатаман. Асалари гулдан гулга қўниб, бол йиққани каби актёр ҳам кўча-кўйда, ишда, давраларда инсонларни, уларнинг феъл-атворига хос хусусиятларни ўрганади. Бу кузатишлар кейинчалик унга характер яратишда асқотади. "Бой ила хизматчи" драмасидаги Хонзода роли топширилганда режиссёр образга киришишим учун ҳаётда ҳам бой хотин бўлиб ҳаракат қилинг, дерди. Мен Хонзода бўлиб юрардим, гапирардим, чой ичардим ва ҳоказо. Шу жараёнда образ сайқаллашиб бораверарди. "Келинлар қўзғалони" комедиясидаги Соттининг характерини очиш учун ҳам шундай характердаги аёлларга хос хатти-ҳаракатларни кўп кузатганман. Ёдингизда бўлса, саҳна кўринишларидан бирида муҳбир ролини ижро этган Эркин Комилов "Дилхирож"ни ҳиргойи қилади. "Шундай ҳолатда Сотти нима қилиши мумкин эди?" деган ўй ўтди хаёлимдан ва куйга монанд рақсга тушиб кетдим. Ёки Соттининг доимо сақич чайнаб юриши, уни олиб қўйиш зарурати туғилганда эса рўмолига ёпиштириб олиши ҳам соттитабиат келинларгагина хос. Бу томошабинларга манзур бўлган шекилли, ҳали-ҳануз эслаб туришади.

— Тўти опа, мухлислар билан учрашувларда бўласиз, мактублар ҳам олиб турсангиз керак. Улар кўпроқ нималар ҳақида ёзишади ёки сўрашади?

— Учрашувларга борганимда, кўча-кўйда таниб қолишса, югуриб олдимга келишади, дардларини айтишади, маслаҳат сўрашади. Айниқса, "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" кўрсатувидан сўнг кўплаб мактублар келади. Уларда кимдир ўзини қийнаётган муаммолари ҳақида ёзади, кимдир дардини тўкиб, кўрсатувга олиб чиқишимизни сўрайди. Ёрдам сўраб мурожаат этганларнинг айримларига қўлимдан келганча ёрдам бераман, кимгадир нафим тегмаганидан ачинаман. Баъзан кўмак сўраб хат ёзган ногирон фуқароларга "Маҳалла", "Нуроний" жамғармаларининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари билан боғланиб, ёрдам беришларини илтимос қиламан.

— Эшитишимга қараганда қўлигул чевар ҳам экансиз...

— Биласизми, агар актриса бўлмаганимда катта чевар бўлардим. Онам ҳам чевар эдилар. Эсимда, талабалик йилларимизда эркакларнинг енги ва ёқасига кашта тикилган украинча кўйлаги урфга кирган эди. Қизлар билан чойчақа бўлар деб, кўйлакларга, сочиқ ва дастурхонларга кашта тикардик. "Ҳунарли киши хор бўлмас, Дўст душманга зор бўлмас", деб бежиз айтилмаган экан. Турмуш ўртоғим оғир бетоб бўлиб қолганда шу ҳунарим коримга яради. Театрда ишлардим, радиога, дубляжга қатнардим, бўш вақтларимда буюртмага кийим-кечак, бешик ва беланчакларга ёпинчиқ тикар, кўрпа, кўрпача қавирдим. Тикув машинкасига бошимни қўйиб бироз мизғиб олар ва яна ишимни давом эттирардим. Худога шукр, меҳнат қилиб кам бўлмадим. Турмуш ўртоғим ҳам соғайиб кетди.

— Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз?

— Меҳр-оқибатни жуда қадрлайман. Меҳр-оқибат халқимизнинг қонқонига сингиб кетган. Кимгадир қилган яхшилигингиз беиз кетмас экан. Узоқ сафарларнинг бирида бир аёл мен билан қуюқ сўрашди. У билан бир пайтлар қўшни бўлган эканмиз. Ана шу аёл фарзанд кўрганда турмуш ўртоғи сафарда бўлгани учун гул кўтариб борган, дояларнинг қўлига суюнчи бериб, чақалоқни туғруқхонадан олиб чиққан эканман. Ўша бола ҳозир улғайиб, эл-юртга фойдаси тегадиган инсон бўлибди. Одамзот ўзига қилинган яхшиликни йиллар ўтса ҳам унутмайди, деб шуни айтсалар керак-да.

— Бугуннинг ёшлари ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Ҳозирги ёшларга қараб ҳавасим келади. Уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, имкониятларни айтмайсизми? Ҳамма гап улардан тўғри ва унумли фойдалана олишда. Мен юртимизнинг узоқ бир вилоятидан келган йигитни танийман. Қишлоқдаги оддий оилада туғилиб ўсган йигит инглиз тилини мукаммал ўрганиб, нуфузли олий ўқув юртига ўқишга кирди. Таҳсил олиш билан бирга театрда ҳам ишлади. Бир куни шу йигит билан суҳбатлашиб қолдим. У фикрининг теранлиги, дунёқарашининг кенглиги ва олдига қўйган мақсадининг аниқлиги билан мени лол қолдирди. Ҳозир уни ойнаи жаҳондаги турли кўрсатувлар орқали кўриб тураман. Ҳар кўрганимда дуо қиламан, ота-онасининг қанчалик бахтли эканини ҳис этаман. Юртимизда шундай интилувчан йигит-қизлар кўп. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинишидан мақсад ҳам ана шундай йигит-қизларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдир.

— Ҳаммамиз ҳам қайсидир маҳаллада туғилиб ўсганмиз, истиқомат қиламиз. Жамиятда маҳалланинг ўрни масаласига қандай қарайсиз?

— Ўзбекнинг ўзбеклиги маҳаллада кўринади. Маҳалла инсоннинг шаклланишида жуда муҳим ўрин тутади. Мен пойтахтимизнинг Хадра маҳалласида истиқомат қиламан. Кўпинча иш билан бўлиб, маҳалла ҳаётида фаол иштирок эта олмасамда, кам таъминланган, турмуш шароити оғир оилаларга баҳолиқудрат ёрдам бериб туришга, маҳалладошларимизнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлишга интиламан. Фарзандларимнинг тўйини ҳам маҳалладошлар билан ўтказганмиз. Шу ўринда тўйларимиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчи эдим. Ҳозир дабдаба билан ҳар киши бошига фалонча пул сарфлаб ресторанларда тўй ўтказиш ўрфга айланди. Афсуски, айрим қўли қисқароқ юртдошларимиз ҳам улардан ортда қолмаслик ёки фарзандининг кўнглини чўктирмаслик учун қарз-ҳавола кўтариб бўлса-да, дабдабали тўй қилмоқда. Ахир ортиқча ҳашам ёки мол-давлат икки ёшга бахт беролмайди-ку! Тўйни маҳалладошлар даврасида ихчам қилиб ўтказиб, орзу-ҳавасга сарфланган пул оила келажаги учун фойдали бўлган юмушларга сарфланса, тўғрироқ бўларди, менимча.

— Яқин кунларда мухлисларингиз сизни қайси образ қиёфасида кўришади?

— Айни пайтда драматург Эркин Самандарнинг "Жалолиддин Мангуберди" спектаклидаги Саълаба исмли табиб хотин образи устида ишлаяпман. Тарихий мавзудаги спектакль мухлисларимизга манзур бўлади, деб ўйлайман.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА суҳбатлашди.

Саховатпешаларданмиз

Сирдарё вилояти

ХАЗИНАЛИ ХОНАДОНЛАР

Сайхунободда бундай хонадонлар сони кун сайин кўпаймоқда

Халқимизда «Парранда — етти хазинанинг бири» деган гап бор. Дарҳақиқат, парранда боққан кишининг рўзғори бут, даромади тайин бўлади. Товуқнинг гўшти истеъмол учун парҳез маҳсулот ҳисобланса, тухуми юқори қувватга эга бўлган неъматдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда паррандачиликни ривожлантиришга катта эътибор берила бошланди. Хусусан, «Ёшлар йили» Давлат дастурида ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида парранда боқишни ташкиллаштириш, ҳар бир ёш оилага 50 тадан жўжа олиб беришда ҳомийлик кўмагини йўлга қўйиш масалалари алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Сайхунобод туманида ҳам паррандачилик фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётир. Биргина жорий йилнинг ўзида ҳар бирида 10 мингтадан жўжа боқишга мўлжалланган 3 та йирик паррандачилик фермер хўжалиги ташкил этилди.

— Туманда паррандачилик ривожига биз ҳам улушимизни қўшяпмиз, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Сайхунобод тумани бўлинмаси раиси Маъмур Маҳмудов. — Ёш оилаларга доимий даромад манбаини яратиш мақсадида уларни 50 тадан кам бўлмаган миқдорда парранда билан таъминлаш учун ҳомийлик ёрдамлари уюштириляпти. Бу борада маҳаллаларимиздаги фермер хўжаликларининг саховатпешалиги таҳсинга лойиқдир.

Хусусан, ушбу хайрли иш натижасида Сайхунободдаги 80 дан ортиқ фермер хўжалигига 2500 бошдан товуқ келтириб тарқатилди. Работ маҳалласида жойлашган «Парранда Работ» фермер хўжалигида жўжа очирадиган инкубатор ишга тушди. Бу ерда очирилган жўжалар нафақат туман ҳудудидаги, балки вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳам буюртмасига асосан аҳолига тарқатилмоқда. Ҳозирга қадар 20 мингта жўжа хонадонларга етказиб берилди.

Ҳа, туманда аҳолининг хусусий ва якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кенг йўл очиб берилган. Айниқса, аҳоли дастурхонини тўкин қилиш истагида бўлганлар ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Жумладан, яқинда тумандаги «Эшбек Эшонқулов» ва «Комилжон Эргаш Ҳожи набираси» номли фермер хўжаликларида асаларичилик фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда уларда 46 та асалари уяси мавжуд бўлса, йил охиригача уларни 200 та уяга етказиш кўзда тутилган.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ, «Mahalla» мухбири.



Тошкент вилояти

Оққўрғон туманидаги Шоҳруҳия қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ҳосилдор маҳалласида 17 та кўча мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирига кўчабошилар тайинланган.

Кўчабашилар ҳар бир юмуш ва ташкилий тадбирларда ташаббускорлар. Жумладан, улар айни кунда пилла етиштириш борасида ҳам маҳалладошларига етакчи бўлишмоқда.

СУРАТДА: *Абдулла Қаҳҳор номидаги кўча бошчиси Норсулув Қодирова пилла-кор-маҳалладошлари билан.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Олам турфа

АНТИКА ФИНЖОН

Францияда ўзига хос финжон яратилди. Мазкур идишнинг ўзига хослиги шундаки, чойга шакар ёки сут соладиган бўлсангиз, уни аралаштириш учун чой қошиқ керак бўлмайди.

Идишни қимирлатиб қўйсангиз бас, унинг тубидаги керамик шарча суюқликни ҳаракатга келтиради ва аралаштиради.

Мутахассисларнинг фикрича, бундай финжонлар асосан қошиқ топиш қийин бўлган шароитларда қўл келиши мумкин.

"ЎСУВЧИ" ПОЙАБЗАЛЛАР

Буюк Британияда болалар учун махсус пойабзаллар сотувга чиқарилди. Бундай пойабзалларнинг яратилиши тез суръатларда ўлчаётган болаларнинг ота-оналари учун моддий жиҳатдан жуда қўл келади.

Ушбу оёқ кийимларнинг ўлчамини унинг таг қисмига ўрнатилган махсус тугмани босиш орқали катталаштириш мумкин. Яъни, болаларнинг оёқ ўлчамлари катталашиши билан уларнинг оёқ кийимлари ҳам бир ўлчамга катталашади.

Айни пайтда янги турдаги пойабзаллар сотувга чиқарилган бўлиб, уларнинг бир жуфти 100 АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда.

Иш билганга балли!

Андижон вилояти

ҲУНАРСИЗДА ХОСИЯТ БЎЛМАС...

Шаҳрихон туманидаги Бешариқ маҳалласи фуқаролар йиғини идорасига кираётганимизда бизни бир йигит тўхтатди:

— Ичкарида ҳунармандчиликка оид навбатдаги машғулот бўлаётган эди, юмушингиз бўлса, бироз кутиб турасиз, — деди у.

Буни эшитгач, қизиқишимиз янада ортди. Рухсат олиб ичкарига кирдик. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўхтасин ака Деҳқонов ёшларни касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўргатишнинг Шаҳрихон тажрибаси сифатида нашр этилган «Ҳунармандлар шаҳри» рисоласи асосида машғулот ўтказаётган экан.

Машғулотни кузатар эканмиз, унинг ноанъанавий усулда ўтилаётгани эътиборимизни тортди. Ёшларнинг бу ерда касб-ҳунар сирларини ўрганиш билан бирга тадбиркорликни, шарқона ахлоқ-одобни ҳам қалбларига жо қилаётганликлари эса янада аҳамиятлидир.

— Энди ҳунармандчиликнинг кандакорлик турига тўхталсак, — дея машғулотида давом этди оқсоқол. — Кандакорлик пўлат қалам ёрдамида амалга оширилиб, бундан ташқари болғача, нақш ўйилгандан кейин буюм сиртини ялтиратишда ишлатиладиган эговлар, ранда ва масқолдан ҳам фойдаланилади. Маҳалладошимиз Содиқжон Неъматов истеъдодли ҳунармандлардан. У ўсмирлик даврида уста Раҳматхўжа Алихўжаевга шогирд тушиб, пичоқ ясаш ҳунарини яхшилаб ўзлаштириб олгач, кандакорлик санъатини ўрганишга қизиқа бошлаган. Эндиликда Содиқжон кандакорлик мактабининг энг илғор муаллимларидан бирига айланган. У ясаган нақшинкор пичоқлар, турли тақинчоқлар ва заргарлик буюмлари нафақат вилоят ва республикамиз миқёсида, балки халқаро кўргазмаларда ҳам муваффақиятли намойиш этиб келинмоқда. Хусусан, С.Неъматов ўтган йили «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган эди.

Буюк донишманд Кайковуснинг «Эй, фарзанд, агар оқил ва доно бўлай десанг, ҳунарманд бўлишни ўйла. Эй, фарзанд, оқил, фаросатли ва илму ҳунарли кишилар билан дўст бўл, ҳунарсиз кишиларда хосият бўлмайди. Меҳнатдан, илм-ҳунар ўрганишдан узоқлашма», деган ибратли сўзларини ўзига дастуриламал қилиб олган Содиқжон Неъматов ўз шогирдларига ҳам шуни ўргатади. Шу боис бўлса керак, қисқа фурсатда 30 нафар шогирдини «уста» мақомига етказди.

Одилжон ЖЎРАЕВ

Эҳтиёткорлик — шарт!

ЁНҒИНГА ҚАРШИ ҲАР ҚАНДАЙ ЧОРА ЎРИНЛИ

Сир эмас, кўпчилик фуқароларимиз хонадонларидаги электр симларини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шудай ҳолатни транспорт воситаларини таъмирлашда ҳам кузатиш мумкин.

Транспорт воситалари билан боғлиқ ёнғинлар асосан, электр симларининг қисқа туташуви ва ёнилғи тизимидаги носозликлар туфайли келиб чиқади. Бунинг сабаблари, биринчидан, автомобиль эҳтиёт қисмларининг эскириши ва ўз вақтида таъмирланмаслиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, аксарият ҳайдовчиларнинг бепарволиги оқибатидир.

Бундан ташқари, транспорт воситаларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларига баъзан халақит берган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин. Кўпинча автотранспорт эгалари ўз уловларини тўхташ мумкин бўлмаган жойга ёки бошқа транспорт воситалари ҳаракатланишига халақит берадиган тарзда турар-жой биноларига ўтувчи йўлларни тўсадиган тарзда тўхтатиб қўядилар. Бу ҳолат туфайли ёнғин содир бўлганда ёки ёнғин хавфи туғилганда уни бартараф қилиш учун мўлжалланган техник воситалардан тўлиқ фойдаланиш имконияти чекланиб қолди.

Хушёр уй бекаларининг яхши бир одати бор. Улар уйдан чиқиб кетаётиб: «Газни ўчирдимми? Чироқни-чи? Дазмол ёки бошқа қурилма ёқиғлик ҳолда қолиб кетмадими?..» дея хаёлидан ўтказишади ҳамда бунга ишонч ҳосил қилмагунларича қайта-қайта кўздан кечиришга эринмайдилар. Табиийки, эҳтиёткорликни таъминловчи бундай одат ёнғин келиб чиқиши хавфини бартараф этишда жуда муҳимдир.

Маълумки, бугунги, техника тараққиёти даврида янги-янги қурилмалар, асбоб-ускуналар яратилмоқда. Уларнинг аксарияти бевосита электр манбаи билан ишлайди. Шундай экан, ушбу қурилмалардан фойдаланишда оддий эҳтиёткорлик, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш ҳар биримиз учун муҳим шарт.

Даврон ҚОДИРОВ, Яккасарой тумани ИИБ ЁХБ инспектори.

Эй сиз одамлар, эсиз одамлар

УЛФАТЛАРНИНГ КУЛФАТИ – ИЧКИЛИКДАН

улардан бири марҳум, бири жабрдийда, бири эса қотилга айланди

Бухоро шаҳридаги деҳқон бозорини айланиб юрган Акмал Бадреддинов баногоҳ дўсти Ориф Аҳмедовни учратиб қолди. Анчадан буён бир-бирининг дийдорига муштоқ бўлиб юрган оғайниларнинг кўнгли шу тобда отамлашиб ўтиришни тусаётганди.

Улар етаклашиб Шарқ даҳасидан ўтувчи йўл четидаги ошхоналардан бирига киришди. Икковлон овқат билан бирга спиртли ичимлик ҳам буюришди. Ахир кўришганларининг шарафига бир мириқиб ўтириш керак-да! Шу пайт кўчадан Орифнинг таниши Шаниёр Каримов ўтиб қолди. Йигитлар уни ҳам даврага таклиф этишди. Албатта, Шаниёр қуруқ келмади. Қўлидаги бир шиша ароқ ва икки шиша пивони столга қўйди. Ошхона хизматчиларига қайтадан буюртма берилди.

Учала улфатни Яратганнинг ўзи бир кам — яъни гунг ва кар қилиб яратган бўлса-да, имо-ишоралар орқали бир-бирларини жуда яхши тушунишарди. Столда кетма-кет бўшатилган шишалар сони-ю ўз навбатида йигитларнинг сарҳушлиги ҳам ортиб борарди. Кеч кириб, ён-атрофга оқшом чўксa ҳамки, улар ўрнидан жилгиси келмасди.

Буни қарангки, ошхонанинг қарама-қарши томонида, йўлнинг нариги юзида, фуқаро Мурод Авезовга тегишли савдо дўкони жойлашган эди. Дўкон ичидан ўсмир болалар ошхонадаги хўрандаларга қарата лазерли нур чиқарувчи мосламани тутиб, шўхлик қилишарди. Болаларнинг қилиғи йигитларнинг ғашига тегди. Шаниёр ўрнидан туриб, дўкондагиларга пўписа қилиб келди. Аммо бироз муддат ўтиб, болалар яна шўхликларини давом эттиришди. Энди Ориф ўрнидан қўзғалди. У жаҳл отига минган эди, бора солиб савдо дўконига тегишли столстулларни тепа кетди. Унинг ҳаракати дўкон эгаси Мурод Авезов томонидан жавобсиз қолдирилмаслиги табиий эди. Икки ўртада жанжал бошланди. Воқеани кузатиб турган Акмал Бадреддинов ўртоғини ҳимоя қилиш мақсадида дўконга югуриб келди ва қўлидаги кабоб сихи билан дўкон эгасига енгил тан жароҳати етказди. Мурод Авезов олган жароҳати туфайли ғазабга минди, унга ўғли Айваз ҳам ёрдамга келди. Ота-бола Акмални ўртага олиб, дўппослай бошлашди. Уларнинг чангалидан бир амаллаб қутулиб олган Акмал боя ўзлари ўтирган ошхона томон югурди. У ердан ошхона пичоғини олди-ю, дўкон томон чопди. Бирон фалокат юз беришидан чўчиган Ориф ва Шаниёр йўл ўртасида уни тўхтатишга уринишди. Бироқ улар кўзлари қонга тўлган оғайниларининг қўлидаги пичоққа нишон бўлишди. Ориф қорин қисмидан олган жароҳатлар ва кўп миқдорда қон йўқотгани оқибатида воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди. Шаниёр эса кўрсатилган тез тиббий ёрдам туфайли омон қолди.

Мазкур нохуш воқеа айбдорларига қилмишларига яраша қонунда белгиланган жазо тайинланди. Бироқ жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари кишини мулоҳазага чорлайди. Айтмоқчи бўлганимиз, ичкиликбозлик ва унинг салбий оқибатлари хусусида кўп гапирилади. Лекин спиртли ичкилик таъсирида содир этилаётган жиноятлар сонининг камаймаётгани бу мавзунинг ҳамон долзарб эканини кўрсатади. Айниқса, ичкиликбозликнинг ёшлар ўртасида тарқалиши ачинарли ҳол. Демак, оилада, ўқув юртлари ва маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантиришимиз лозим.

Сухандиёр РЎЗИЕВ, Бухоро вилояти прокуратураси бўлим прокурори; Ҳамроз АЛИ, "Mahalla" мухбири.

Спорт оламида

Универсал жанг ишқибозларини катта тадбир кутмоқда — жорий йилнинг 23 ва 25 май кунлари пойтахтдаги «Универсал» спорт саройида спортнинг ушбу тури бўйича Осиё чемпионати ўтказилади. Спорт оламида ушбу яккакураш турининг мавқеи кундан-кунга юксалиб бормоқда. Ўз навбатида юртимиз ёшларининг универсал жангга қизиқиши юқори ва уни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг самараси ўлароқ, спортчиларимиз республика, Осиё ва жаҳон миқёсидаги турнирларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

ЯККАКУРАШ ишқибозлари учун ТУҲФА

Яқинда универсал жанг бўйича терма жамоамиз Россиянинг Медын шаҳрида 18-20 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб қайтишди. Дунёнинг 22 давлатидан вакиллар иштирок этган мазкур чемпионатда юртимиз шарафини 48 кг вазн тоифасида ҳимоя қилган вакиламиз Сайёра Мирзаҳмедова учун бу беллашув иккинчи йирик халқаро турнир бўлди. Спортчимиз чемпионатда биринчи жангни кучли рақиблардан бири саналган Озарбайжон вакиласи билан ўтказиб, жангни ўз фойдасига ҳал қилишга эришди.

Иккинчи босқичда Сайёра украиналик спортчи билан куч синашди. Бу сsafар ҳам яккакураш Сайёранинг ғалабаси билан якунланди. Вакиламиз финалга йўлланма олди. Сайёра финалда россиялик спортчи билан беллашиши лозим эди, лекин рақиби жароҳати туфайли финал беллашувида қатнаша олмади. Шу тариқа Сайёра Мирзаҳмедова универсал жанг бўйича юртимиз спортчи қизлари орасида халқаро миқёсдаги беллашувда олтин медални қўлга киритган биринчи спортчи сифатида тан олинди.

Эслатиб ўтиш жоизки, универсал жанг бўйича Осиё чемпионатига Ўзбекистон учинчи маротаба мезбонлик қилмоқда. Бундай чемпионатлар бунгача 2005 йилда ва 2007 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ва уларда ўндан ортиқ мамлакат спортчилари иштирок этган эди. Индонезия, Жанубий Корея, Покистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон, Монголия ва Эрон, БАА ва Ўзбекистон вакиллари ўртасида кечган муросасиз беллашувлар спорт ихлосмандлари учун олам-олам завқ бағишлаганди. Ушанда бизнинг спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, етакчи эканликларини исботлашди.

Тошкентда ўтадиган навбатдаги чемпионатда 20 дан ортиқ мамлакат спортчилари иштирок этиши кутилмоқда.

Аброр ЯРМАТОВ

СУРАТДА: *Сайёра Мирзаҳмедова*

Обидалар — тарихимиз

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

"БЎЛУБ АНДОҚ БИНОКИМ..."

ёхуд "сайёҳлар шаҳри"даги муҳташам сарой тарихи хусусида

Хива миллий меъморчилигимизнинг бир неча асрлик ноёб намуналарини ўз бағрида асраб келаётган тарихий музей шаҳардир. Бу ердаги Муҳаммад Аминхон, Муҳаммад Раҳимхон, Оллоқулихон, Шерғозихон, Қутлимурод Иноқ, Исломхўжа мадрасалари, дунёга машҳур миноралар, Кўҳна Арк, Нуруллабой, Карвонсарой, Саройбозор, Тошҳовли, Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари, улкан қасрлар ва саройлар бетакрор меъморий қурилиши, мустаҳкамлиги, девор ва гумбазларига ишланган нақшларнинг гўзаллиги билан инсонларни ҳайратга солиб келмоқда.

Қадимий шаҳар кўчаларини кезиб, асрлар бўйи чиройини йўқотмай келаётган обидаларга назар ташлар экансиз, беихтиёр инсон заковатига, куч-қудратига таҳсин ўқийсиз. Хивани сайёҳлар шаҳри, музей шаҳар деб ҳам аташади. Чунки шаҳарнинг очиқ осмони остида кўплаб ноёб осори-атиқалар мавжуд. Халқ меъморчилиги ва нақкошлигининг нодир намуналаридан бири Тошҳовли саройидир.

1825 йили Муҳаммад Раҳимхон ўғли Оллоқулихон тахтга ўтиргач, Хивада мадраса, карвонсарой ва тимлар, Оқмачит, Саидбой масжиди ва бошқа иншоотларни қурдирди. Оллоқулихон пойтахтига кўрк берувчи бетакрор бино барпо эттиришни дилига тугиб юрар эди. Шу ниятини амалга ошириш учун машҳур уста Тожи Нурмуҳаммад ҳамда Муҳаммад Ёқуббой ибн Юсуф Меҳтарни ҳузурига чорлаб, ўз таклифини айтади. Хивалик уста Қаландар Хевақий ва Шайхлар қишлоғилик наққош Абдулла Жин қурилиш ишларига бош этиб тайинланадилар. Меъморлар бўлажак бино учун мақбул жойни танлашади ва бу хонга ҳам маъқул келади. Қурилажак сарой тарҳи ўта аниқлик ва синчковлик билан ишлаб чиқилади. Сарой пойдевори учун мармар тошлар Юмри ва Султон бобо тоғидан от-араваларда ташиб келтирилади. Бинонинг асосий қисмини кўтариш учун фойдаланилган сифатли пишиқ ғишт, ёғоч, ганч ва бошқа материаллар ҳам атроф жойлардан олиб келинган. 1830 йилда бошланган қурилиш ишлари 1838 йили ниҳоясига етказилган.

Сарой уч бўлим, яъни ҳарам, меҳмонхона ва арзхонадан иборат. Улар тўғри тўртбурчакли ҳовли саҳни атрофида жойлашган. Саройда бир юз ўн битта хона ва бўлма бор. Уларнинг айримларида хон оиласи яшаган бўлса, айримларида турли идоралар жойлашган. 22-хонада катта айвон жойлашган бўлиб, унда элчилар қабул қилинган.

Хона деворлари сирли кошин билан безатилган, нақшли хатлар, шифтларига эса турли гуллар солинган. Баъзи хоналар шунчалик серҳашам қилиб безатилганки, бу халқ усталарининг диди ва маҳоратидан дарак бериб туради. Арзхона бўлими ҳам ранг-баранг парчин, сиркор кошинлар билан сержило қилиб ишланган. Саройдаги барча безак ишлари уста Абдулла Жинга тааллуқли. Уста ёғоч ва мармардан ҳам нафис ўймакор нақшлар ишлаган.

Тошҳовлининг атрофи баланд девор билан ўраб олинган. Сарой ва турар жой биноларининг бир қанчасини қуршаб олган қалъа деворининг ташқи томони гумбазли токчалар билан безатилган.

Тошҳовлидан аввал бундай ҳашаматли ва мустаҳкам сарой қурилмагани, қурилишда фақат пишиқ ғишт ва мармардан фойдаланилгани унинг шундай номланишига сабаб бўлган.

Истиқлол йилларида маънавий ва маданий меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Хусусан, тарихимиз кўзгуси бўлган обидалар кўз қорачиғидай асраб-авайланмоқда. Кейинги йилларда кўплаб тарихий иншоотлар қатори Тошҳовли саройи ҳам қайта таъмирланди. Таъмирлаш ишларида уста Ота Полвонов, Ўзбекистон халқ рассоми Абдулла Болтаев ва бошқа ҳунармандлар иштирок этишди.

Юксак санъат асари даражасида бунёд этилган бебаҳо ёдгорликлар халқ қўли ва кучи билан қад кўтарган. Уларни зиёрат этиш учун Хивага ҳар йили юртимизнинг турли жойларидан, хорижий мамлакатлардан саёҳатчилар келишади.

Ҳа, халқ мулкини сақлаш ва уни келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бетакрор обидалар шоир, тарихнавис ва таржимон Огаҳийни ҳам руҳлантирган, қўлга қалам олишга ундаган эди:

Бўлиб андоқ биноким селу офат,
Асосиға етишмас то қиёмат.
Саройи қасри жаннатдек музайян,
Масарратга бўлиб даҳлизи маскан.
Бино ҳар сари топиб неча айвон,
Вале риф ат аро антоққи кайвон.
Фалакка бош чекиб ҳар ён неча тоқ,
Кўриб ҳайратда қолиб аҳли офоқ.
Бўлиб девори сарта пой коши,
Топиб зарҳал била тазин ҳоши.
Бўлиб кошиси аслини саросар,
Топибдур ложуварди бирла зевар.
Эшиклар барча олтундин муламмаъ,
Суфалар барча гавҳардин муассаъ.
Келиб ҳар бир уйнинг сақфи заркор,
Кумушдин фарш ўлиб саҳнига ҳамвор.
Агар топмоқ тилаб андоқ иморат,
Фалак сайр ичра минг йил қилса суръат.
Бўлур сайр айламакдин чарх ожиз,
Топа олмас онинг мислини ҳаргиз.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЬБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳал қилиниши зарур бўлган ишлар фақатгина сизнинг фаоллигингизга боғлиқ. Дангасалик амалдаги режаларингизни ортга суриши мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)
Шу кунларда сизни қийнаётган ташвиш ва муаммолар ўз ечимини топади. Ҳар қандай важ ва баҳоналарингиз фаолиятингиз давомида панд бериши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР(21.05-21.06)
Қўлингиздан келмаган ишни бажаришга ваъда бермаганингиз маъқул. Бу дўст ва яқинларингиз олдида обрўэътиборингизнинг пасайишига олиб келади.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Айни кунларда ранжитган инсонларингизнинг ҳолидан хабар олинг. Айрим дўстларингизнинг фаолиятдаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватланг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда моддий аҳволингизни яхшилаб олишга ҳаракат қилинг. Чунки ҳафта охирига бориб қимматбаҳо харидлар қилишга мажбур бўлишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Бу ҳафта ҳар қандай ишларни четга суриб, фарзандларингиз тарбияси билан жиддий шуғулланинг. Акс ҳолда бу уларнинг хулқига салбий таъсир этиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳафта давомида сиздан кам сўзлаб, кўпроқ фойдали ишлар билан шуғулланиш талаб этилади. Шу баҳонада айрим хатоларингизни тузатиб олишингиз мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Кайфиятингиз аъло даражада бўлиши учун турли тадбирларга бўладиган таклифларни рад этманг. Бироқ ташқи кўринишингизга эътибор беришни ҳам унутманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Орзуларингиз амалга ошишида сиз кутмаган инсонларнинг ҳиссаси катта бўлади. Дам олиш кунлари қолган юмушларингизни охирига етказишга ҳаракат қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда эҳтиёжингиз учун зарур бўлган буюмларни харид қилинг. Фаолиятингизда мансабпарастликка интилманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ҳар қандай юмушга ўзингизни масъул деб ҳис қилаверманг. Бу соғлиғингизга салбий таъсир этиши мумкин. Феъл-лингиздаги баджаҳлликдан воз кечишга ҳаракат қилинг.

БАЛИК (19.02-20.03)
Назарий билимларингизни амалда қўллашда ҳеч иккиланмасдан ҳаракат қилинг. Бу келажакдаги орзу-истакларингизга эришишингизга ёрдам беради.

Ҳаётдан олсак сабоқ...

УЧ ТУП ЖИЙДА

(ҳикоя)

Оғир дарддан сўнг энди ўзимга келаётгандим. Кун пешинга яқинлашганда ҳовлига чиқдим. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Изғиринли шамол юзни чимчилайди.

— Бува, буважон, — неварам қорда йиқилиб, суртиниб югуриб келарди. — Жийдаларни кесиб кетишибди...

— Нима, наҳотки?! Жийдаларни-я! Эҳ, ярамаслар-эй... — томоғимга нимадир тиқилгандай бўлди.

— Юринг, соҳилга юринг. Ўзингиз кўрасиз. Ҳаммасини ўтинга олиб кетишибди, — оппоқ қорга белланган неварам хўрсиниб-хўрсиниб йиғлаб турарди.

Овозим чиқмай қолди. «Мардона бувининг жийдалари — менинг болалигим шоҳидлари — ўтин бўлдими?..»

Юрагимда қаттиқ санчиқ сездим. Ҳаво етишмай қолди...

...Эрталаб ўзимга келдим. Кўзларимни очсам, касалхонада эканман. Ўғлим неварамни олиб кирди. У юзларимдан ўпди. Неварамнинг «жийдаларни кесиб кетишди», дегани эсимга тушди. Мардона бувининг жийдаларини. Муштим кучсиз қисилди...

...Мардона бувининг уйи дарё бўйидаги тепаликда эди. Ҳовли олдида бир туп жийда бор эди. У шу жийда тагида соялаб ўтирарди. Бу ердан баҳорда ўзанига сиғмай пишқириб, ёзда шарқираб, кузда эса сокин оқувчи дарё, унинг соҳили, ўтлоқлар кафтдай кўриниб турарди.

Биз болакайлар атрофни чангитиб, соҳилда, тепаликларда югуришардик.

Мардона буви бизга меҳрибон эди:

— Ҳой, эҳтиёт бўлинглар-а. Жарликдан йиқиласанлар-а...

Сал улғайиб дарёда чўмила бошладик.

— Ҳой, дўнгдан сакрама-я, чўкиб кетасан-а...

Чўмила-чўмила чарчаб, ҳориб қолгач бувининг эртакларини тинглардик. У қачонлардир катта йўл бўлган, ҳозир эса сўқмоққа айланган, дарё бўйлаб кетган ёлғизоёқ йўлга ўйчан тикилганича уч паҳлавон йигит тўғрисида эртак сўзлар эди. Дарё бўйлаб қийқириб югурувчи, ёзинқишин сувга шўнғиб балиқ ушловчи, кузда шу жийда меваларини териб егувчи уч бола, овозлари дўриллаган, баданлари қуёшда қорайган, бақувват, тўқайдан қирғовул, ёввойи ўрдак отиб келувчи уч навқирон йигит тўғрисидаги эртакни қайта-қайта тинглаб ҳам тўймасдик. Кейинроқ, улғайиб, оқу қоранинг фарқига боргач билдикки, бизнинг эшитганларимиз эртак ҳам, ҳикоя ҳам эмас, уч ўғил доғидан ўртаниб қуйган она қалби оғриқлари экан.

Мардона буви ўғилларини кузатиб қўйган шу йўлга боққанича узоқ ўтирарди. Улар билан хаёлан гаплашарди. Балки, уч аскар — уч паҳлвон ўғилларининг қайтишини кутарди. Энди эсласам, доимо унинг кўзларида қандайдир нур кўрардим. Ким билсин, у умидмиди?

Олтинчи синфда ўқирдим, чамаси. Баҳорда Мардона буви қўлимга пул берди:

— Мен бозорга боролмайман, ўғлим. Сен уч туп жийда кўчати олиб кел. Шу ерга экамиз. Бу жийда қариянги. Ёнида ўссин.

Бозордан жийда ниҳолларини олиб келдим. Ўйинқароқ тўқай болалари уни эқдик. Ёз бўйи челаклаб ташиб, сув қуйдик.

Ниҳоллар баравж, гуркираб ўсди. Жамики дов-дарахатлар гулини тўкиб, баҳорий гул ислари унутилаёзганида, эртанги мевалар пиша бошлаган кезда жийдалар гулларди. Ҳар йили баҳор сўнгида атрофни жийда гулининг ифори тутиб, димоғни қитиқларди. Ана шундай баҳор фаслининг сўнгги кунларидан бирида Мардона буви оламдан ўтди.

Унинг жанозаси гуллаб турган жийдалар тагида ўқилди. Ўшанда мен ўсмир эдим. Қишлоғимиз мулласи кампирнинг жанозасига қўшиб, унинг урушдан қайтмаган ўғиллари жанозасини ҳам ўқиди...

Энди у жийдалар йўқ! Нокаслар кесиб кетишибди. Қалбим оғринарди. Мен болалигимни, Мардона бувини, унинг ўғиллари хотирасини йўқотиб қўяётгандим. Кексалик, юракдаги дард асоратини яққол сезардим шу тобда. Кўнглим чўкиб борарди.

Бир ойча шифохонада даволандим.

Яна баҳор келди. Бутун вужудим билан дарё бўйига талпинар эдиму, лекин боролмасдим. Юрагим чидамайди, деб қўрқардим. «Жийдаларсиз тепаликка қандай қарайман?»

— Соҳилга борайлиқ, бува, — деди бир куни неварам эркаланиб.

Унамадим.

— Сизни тепаликда кутаяпмиз.

— Ким кутаяпти?

— Ҳаммамиз. Сизнинг эртакларингизни жуда соғиндик.

Ўзимни қўлга олиб, юрагимни ҳовучлаб унга эргашдим. Соҳилга яқинлашдиму ҳайратданми, қувончданми турган жойимда тахтадек қотиб қолдим. Тепаликда ёш жийда ниҳолларининг майда барглари майин шабадада енгил ҳилпирар, атрофдан болалигимнинг иси уфуриб турарди. Мардона бувининг сокин овозини ҳам эшитгандек бўлдим.

— Жийдазор, жийдазор-ку, — дедим севинчдан энтикиб.

Қалбан тепаликка интилардим. Жийдазор ичидан менга қўл силкитишарди. Улар кўпчилик эдилар.

Мен тепаликка чиқа олмадим. Лекин, кучқувватга тўлгандай эдим. Кўнглим ёришди. «Жийдазорга чиқишим шартмикин?» дедим ўзимга-ўзим. Юрагимда таскин бор эди: «Эртакни энди у ердагилар айтишар...»

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ

Наманган вилояти

Республикамиз Президенти соврини учун ташкил этилган «Ташаббус» кўрик-танловлари шаҳар, вилоят босқичларида мунтазам қатнашиб келаётган наманганлик ҳунарманд, сержило матолар ижодкори Латифжон Аҳмаджонов тинмай изланишда. «Балдоқ», «Анор», «Тумор» деб номланувчи матолар ёнига «Шохбарг», «Гажжак», «Нодира», «Бодомча» турлари қўшилди. Уста унутилиб кетаётган миллий матоларни табиий рангларда бўяшни қайта тиклаш билан бирга, нақкошликда ишлатиладиган табиий гуллар ва геометрик шаклларни кашф этди. Табиий рангларни тайёрлашда ёнғоқ пўсти, қизил лавлаги, пиёздан фойдаланиши эса матолар ранги узоқ вақт сақланишини таъминлайди.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ *(ЎзА)* **олган сурат.**



ДОНОЛАРНИНГ ДУРДОНА ФИКРЛАРИ

Тинч ва хотиржамлик билан ичилган ёвғон умоч — хижолат ва машаққат билан ейилган қандли кулчадан яхшироқ. Эски чопон билан бемалол тупроқда ўтирмоқ — зарбоф тўн кийиб, биров олдида тик тургандан яхшироқ.

Алишер НАВОИЙ

Ҳамма тўғри яшаш ҳақида эмас, узоқ умр кўриш ҳақида қайғуради. Ваҳоланки, тўғри яшаш ҳамманинг қўлидан келади, узоқ умр кўриш эса ҳеч кимга насиб этмайди.

СЕНЕКА

Сен тақдири азални эмас, аввало ўзингни енгишга ҳаракат қил. Дунёни тартибга солишга уринма, энг аввал ўз истакларингни бошқара бил.

Рене ДЕКАРТ

Инсондаги ёвузлик ва эзгулик ҳам, зараркунандалик ва ҳожатбарорлик ҳам тарбиянинг мевасидир.

Жон ЛОКК

Биз билган ва билмаган дунё

Рекордлар мамлакати

Сўнгги йилларда чехияликлар кўп соҳаларда рекорд натижаларни қайд этиб бормоқда, дея хабар тарқатмоқда Idnes.cz. янгиликлар портали.

Унинг маълумотларига кўра, 2007 йилда Чехияда 367 та турли кўринишдаги рекордлар, яъни ундан олдинги йилга нисбатан 55 тага ортиқ кўрсаткич қайд этилган. Ўрнатилган рекордлар сонини йилнинг ҳар бир кунига бўлиб чиқсак, бир кунга биттадан ортиқ рекорд тўғри келар экан. Жорий йилда ҳам Чехия халқи юқори кўрсаткичларга эришишни кўзлаб қўйганга ўхшайди. Буни яқинда мазкур миллат вакиллари томонидан ўрнатилган рекордлардан ҳам кўриш мумкин. Чех сеҳргари Петр Фиедор ўн кун давомида мих устида ётиб, бу борадаги энг юқори кўрсаткични намойиш қилган.

Чехияликларнинг бу каби ютуқлари Гиннес рекордлари китоби билан ҳамкорлик қилувчи Dobry den агентлиги томонидан қайдлар рўйхатига киритиб борилади.

Айни пайтгача мазкур агентлик 10 мингта рекордни қайд этган. Ундаги маълумотларга кўра, дунёдаги энг катта тиш тозалагичи Чехиянинг Пелхржимове шаҳридаги музейда томоша қилишингиз мумкин.

ВЕНЕРАнинг янги "СИР"лари

Италиялик олимлар Венера сайёрасини ўрганиш чоғида янги илмий хулосаларга келишди.

Яъни, унинг атмосферасида водород билан озоннинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган молекулалар — гидроксил борлиги аниқланди.

РАТА-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, Ер сайёрасидан ташқарида илк бор бундай модда топилган. Мазкур кашфиёт Венера сайёраси ва унинг кимёвий таркиби ҳақида батафсилроқ маълумотга эга бўлиш учун имкон яратади.

Тошкент шаҳар Меҳр-Шавқат касб-ҳунар коллежи томонидан 2007 йилда Сон Екатерина Ир-Сенова номига берилган К № 063785 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан 2005 йилда Хушназаров Даврон Абдукаримович номига берилган К № 053843 рақамли диплом йўқолганлиги сабаб бекор ҳисобланади.

Ҳ.СОДИҚОВ чизган расм.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: **Ҳамза Абдуллаев**
Мусаҳҳиҳ: **Шаҳноза Абдувалиева**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **236-53-93**
Тел/Факс: — **233-44-25**
Масъул котиб: **236-53-75**
Котибият — **236-55-69**
Хатлар бўлими: **236-57-62**

2008 йил 21 май
21 (623)

17659 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-420 Топширилди — 22.50
1 2 3 4 6